



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 17 февраль, № 33 (4948)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 февраль куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро молия муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилаётганини, айниқса, ОТБ билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

ОТБ Ўзбекистоннинг кўп йиллик ва ишончли шериги сифатида мутахассисларимиз иштирокида иқтисодийнинг кўплаб соҳаларини қамраб олган мамлакатимиз билан ҳамкорлик стратегиясини изчил ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. ОТБнинг жорий йил май ойи бошида Тошкент шаҳрида ўтадиган 43-йиллик мажлиси мазкур нуфузли халқаро молия муассасасининг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи форуми бўлади. Бу Ўзбекистондаги такомиллашиб бораётган иқтисодий ислохотлар модели самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз 1995 йилда ОТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўтган даврда транс-

порт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим тизими, кичик бизнес ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш бўйича стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ кредит ресурслари муваффақият билан ўзлаштирилди. Бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган халқаро молия институтлари орасида тақдим этилган кредитлар ҳажми бўйича ОТБ етакчи ўринда туради.

Оқсаройдаги учрашувда Харухико Курода самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдириб, ОТБ Ўзбекистон билан иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ниятида эканини таъкидлади. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлашга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)
Сарвар ҲУРОНОВ
олган сурат.

МАМЛАКАТ
бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Экспортбоп маҳсулотлар

АНДИЖОН. "Олтинкўлтестиль" кўшма корхонасида кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди.

Замонавий тиббий жиҳозлар

БУХОРО. Шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Вобкент тумани филиали 65 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Фермер корхона қурди

НАВОИЙ. Кармана туманидаги "Бишкет" фермер хўжалиги қошида гўшти қайта ишлайдиган корхона фаолият кўрсата бошлади.

Тадбиркор аёл ташаббуси

ФАРФОНА. Қўқонлик тадбиркор З. Абдураҳимова шаҳарнинг Қўрлаб маҳалласида бўш ётган эски бинони таъмирлаб, тикувчилик цехини ташкил этди.

Қишлоқда тайёрланган шарбат

НАМАНГАН. Чортоқлик тадбиркор Ж. Шералиев 90 минг еврога хориждан мевани қайта ишлайдиган замонавий технология олиб келиб, янги корхона фаолиятини йўлга қўйди.

НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича XI Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Халқаро гимнастика федерацияси кўмағида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Бангладеш, Қозғистон, Қатар, Қирғизистон, Малайзия, Сингапур, Сурия ва Таиланддан келган жами 150 нафар спортчи Сингапур (14-26 август) давлатида ёшлар ўртасида

Халқаро турнир

да бўлиб ўтадиган биринчи Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун кураш олиб бормоқдалар. Маълумки, бу каби нуфузли турнирлар барлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Бангладеш, Қозғистон, Қатар, Қирғизистон, Малайзия, Сингапур, Сурия ва Таиланддан келган жами 150 нафар спортчи Сингапур (14-26 август) давлатида ёшлар ўртасида

(Давоми 2-бетда).

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларга қаратилди.

Сарҳисоб

Кўмита раиси Б. Парпиев бошқарган йиғилишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури асосида мамлакатимизда солиқ юкини энгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар ижросига давлат солиқ хизмати тизимида ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилаётди. Ушбу мақсадга қаратилган чора-тадбирлар комплексига кўра, солиқ органларида солиқ имтиёзлари ва преференцияларидан ҳар бир юридик шахс тўғри фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда).

Парижда онкологларнинг халқаро конгресси

Франция пойтахтида Онкологларнинг XXI халқаро конгресси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 72 мамлакатидан 3 мингдан ортиқ клиник онкология соҳасининг етакчи олимлари, мутахассислари, амалий тажрибага эга врачлар ва тадқиқотчилар иштирок этишди. Форумда Ўзбекистондан Республика онкология илмий маркази вакиллари ҳам қатнашди.

Тадбирнинг мақсади — онкология касалликлари сонининг ортиб боришига қарши биргаликда курашиш, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг энг мақбул услубларини ишлаб чиқиш, тиббиёт тажрибалари ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларини алмашиш ва ташхис қўйиш ҳамда даволаш бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишдан иборат.

Конгресс давомида асосий эътибор саратон касаллигининг олдини олиш, чунончи, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом овқатланиш тартибига амал қилиш каби масалаларга қаратилди. Олимларнинг фикрига кўра, юқорида санаб ўтилган чораларни қўллашнинг ўзи ушбу йўналишдаги хасталиклар ривожланишининг 40 фоиз олдини олишга қодир.

Тадбир чоғида "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири онкология касалликларига қарши курашиш борасида Ўзбекистоннинг савий ҳаракатлари бўйича иштирокчи-

Биз ва жаҳон

ларнинг мулоҳазалари билан қизиқди.

Хусусан, Онкологларнинг XXI халқаро конгресси президенти, Франциянинг Саратон касалликлари миллий институти фахрий президенти, профессор Давид Хайят "Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий вакили Лола Каримова томонидан Саратон касаллигига қарши Париж хартиясининг имзоланиши Ўзбекистон дунёдаги онкология касалликларининг олдини олиш ва даволаш масаласига ўта жиддий аҳамият қаратган етакчи давлатлардан бири саналади, дейишимизга асос бўлади", дея таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Адвокатура: ҳуқуқий мажбурият ва масъулият

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида мамлакатимизда адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти юзасидан "Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо

Тадбир

этиш — устувор мақсади-мизидир" номида маърузасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ташкил этилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг асл мақсади инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсий дахлсизлик ва адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлашдан иборатдир. Адвокатура институти ислохоти, унинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш ҳам айнан

(Давоми 4-бетда).

2010 йилда мамлакатимиз автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадида йўл Республика йўл жамғармаси ҳисобидан ўтган йилдагидан 2 баробар кўп, яъни

Бунёдкорлик, юксалиш ва тараққиёт 540 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мақсад — Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий автомагистралли участкаларини бунёд этиш, Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўлларига буриш, шу асосда юртимизда транспорт хизмати ва транзит ҳажмини ошириш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдир.



НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

...16 февраль куни байрамона безатилган "Универсал" спорт саройида бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Чорлов садолари остида майдонга мусобақа иштирокчилари кириб келди.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Лола Каримова мусобақани очиб, деб эълон қилди.

Бугун шунинг манунят билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятларда замон талабларига жавоб берадиган спорт мажмуалари бунёд этилди. Жумладан, пойтахтимиз кўрғига кўрк кўшиб турган "Универсал" спорт саройи мавжуд имкониятлари бўйича дунёда энг намунали спорт иншоотларидан бири саналади. Узунлиги 100, эни 52 метрли саройда жаҳон андозаларига мос равишда 200 метрли югуриш йўлига бор. Унинг ўртасидаги арена баскетбол, гандбол, волейбол ўйнашга мўлжалланган. Саройнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — уни беш-ўн дақиқа ичида қайта шакллантириб, спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин бўлади. Қисқаси, мажмуада спортнинг 22 тури бўйича халқаро мусобақа-

ларни юксак савияда ташкиллаштириш имконияти мавжуд. Кейинги йилларда бу ерда, асосан, спортнинг гимнастика турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан бир йил муқаддам пойтахтимизда меҳмон бўлган Осиё гимнастика уюшмаси (AGU) президенти Раҳмон ал-Шахрий (Қатар) бошчилигидаги экспертлар гуруҳи мажмуа фаолияти билан яқиндан танишиб, бу ердаги шaroитларга юқори баҳо берганди. Шундан сўнг экспертлар гуруҳи қитъа чемпионатини айнан шу ерда ўтказишни маъқуллаб овоз берди.

Кези келганда айтиш лозимки, Осиё чемпионати мезбонлиги учун Хитой, Япония, Таиланд ва Форс кўрғазиде жойлашган

қатор давлатлар миллий гимнастика федерациялари кураш олиб борганди. Мезбонликка номзод мамлакатлар сонининг кўпчилиги асосий сабаб, чемпионатда спортчилар учта йўлланма учун баҳс юрилади. Умид қиламизки, мезбон сифатида катнашадиган гимнастикачи қизларимиз ана шу муҳим беллашувда рақибларига ҳар томонлама муносиб қаршилик кўрсатадилар.

— Ўзбекистонга ўтган сафар келганимда, бу ерда бадий гимнастикани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишган эдим, — дейди Осиё гимнастика уюшмаси президенти Раҳмон ал-Шахрий. — Бугун яна бир бор амин бўлдимки, мамлакатимизда нафақат

Осиё чемпионати, балки, бундан-да нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун имкониятлар мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, "Универсал" спорт саройида Осиё чемпионатини ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўрилди. Жумладан, тўртта қўшма хореография зали, 3900 томошбинга мўлжалланган ўриндиқлар, спортчилар учун кийиниш ва ювниш хоналари, ўқув-йиғин машғулотирига мўлжалланган хоналар замонавий услубда таъмирланди.

— Қизларимиз чемпионатда тўлиқ таркиб билан иштирок этмоқда, — дейди Ўзбекистон гимнастика федерацияси бош котиби Гўзал Филиппова. — Улар бир йил давомида турли халқаро турнирлар-

да ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Ундан кўзланган мақсад, таркибга энг иқтидорли спортчиларни саралаб олиш эди. Жумладан, Японияда бадий гимнастика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатиде илк бор тўлиқ таркиб билан иштирок этдик. Аҳамиятли томони, Марказий Осиё вакиллари ўртада гуруҳ баҳсларида иккинчи ўринни эгалладик. Яққалик мусобақада Ульяна Трофимова "А" гуруҳи финалида ўн иккинчи ўрин билан қифолланди. Агар у шу натижасини 2011 йилги саралаш мусобақаларида ҳам тақдорлай олса, ёзи Олимпиада йўнналиш йўлланмасига эга бўлган биринчи ўзбекистонлик бадий гимнастикачи бўлади. Шунингдек, Қозоғистонда ўтган Осиё чемпионатидан ҳам қизларимиз совриндор сифатида қайтишди. Бизга чемпионатда Хитой, Япония, Жанубий Корея спортчилари асосий рақиб бўлиш кўтилмоқда. Ҳозирда терма жамоамиз аъзоларидан Азиза Мамажонова, Хусниябону Фуломова, Сарвина Холиқова, Луиза Ганиева, Зарина Қурбонова, Вероника Угай, Ольга Кирьякова яхши спорт формасидалар. Насиб этса, юксак натижаларга эришамиз.

Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат)
«Халқ сўзи» мухбирлари.



Жараён

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида Президентимизнинг жорий йил 19 январьдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чакирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарори асосида ёшларни армияга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда.

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАНИНИ!

Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида ҳам шундай тadbир ўтказилди. Унда чакирлувчиларнинг ота-оналари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— Катта ўғлим Бахтиёр Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билан юртида таҳсил олмақда, — дейди арнасойлик ўрол Эшонкулов. — Хизмат қилган йилгит оқ-қорани тушунади, Ватанининг, ота-онасининг қадрига етадиган бўлади. Кичик ўғлим Бобур ҳам муддатли ҳарбий хизматга бориш истағида эди. Бугун у жисмоний тайёргарлик, тест синовлари ва тиббий кўриқдан муваффақиятли ўтиб, армияга жўнаётди.

Форишлик Нурмухаммад Довилов ва баҳамаллик Шафрат Қаюмова билан суҳбатимиз ҳам фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти, маънан ва жисмонан бакуватлиги, Ватанга меҳр-муҳаббати ҳақида борди. Улар муддатли ҳарбий хизматга кузатилаётган ўғлонларнинг ижобий хислатлари ҳақида тўлиққилиниб гапиришди.

Бахриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ийгилишда, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурини рўйбга чиқаришда солиқ органларининг ролини ошириш мақсадида ҳар бир давлат солиқ инспекцияси бошлиғига паст рентабелли, иқтисодий ноқор қорхоналар фаолиятини тиклашга қўмақлаш шартли вазифаси юклатилганлиги қайд этилиб, бу борада ҳудудий бошқарма бошлиқлари эътибор қаратиши зарур бўлган долзарб масалалар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилишида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар прогноз кўрсаткичларининг ижроси ҳар бир ҳудуд ва туманлар кесимида атрофлича муҳокама этилди. Бундан ташқари, 2010 йилда солиқ солиш базасини кенгайтириш ва солиқлар ҳамда мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш борасидаги ишлар чўқур таҳлил этилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирларига оид қарорининг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳам муҳокама қилинди. Шунинг айтиш кераки, қарор талабларидан келиб чиқиб, солиқ органлари тизимини Бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Тизим тажрибали, билимли мутахассислар билан таъминланди. Йиғилишда унинг моддий-техник базасини яратишга доир масалалар ечими бўйича ҳам зарур кўрсатмалар берилди.

Солиқ қонунчилиги ижросини таъминлашда солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг аҳамияти катта. Йиғилишда, пировардида, Солиқ кодекси ва бошқа меъриий ҳужжатлар, улардаги янгиликлар билан юридик ва жисмоний шахсларни изчил таништириб бориш, нафақат марказда, балки чекка ҳудудларда ҳам кўргазмали семинарлар, учравулар ўтказиш, солиқ тўловчиларга ахборот-маслаҳат кўмагини бериш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ийгилишда, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурини рўйбга чиқаришда солиқ органларининг ролини ошириш мақсадида ҳар бир давлат солиқ инспекцияси бошлиғига паст рентабелли, иқтисодий ноқор қорхоналар фаолиятини тиклашга қўмақлаш шартли вазифаси юклатилганлиги қайд этилиб, бу борада ҳудудий бошқарма бошлиқлари эътибор қаратиши зарур бўлган долзарб масалалар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирларига оид қарорининг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳам муҳокама қилинди. Шунинг айтиш кераки, қарор талабларидан келиб чиқиб, солиқ органлари тизимини Бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Тизим тажрибали, билимли мутахассислар билан таъминланди. Йиғилишда унинг моддий-техник базасини яратишга доир масалалар ечими бўйича ҳам зарур кўрсатмалар берилди.

Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати.

ПАРИЖДА ОНКОЛОГЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Биз ушбу соҳада ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан мустақкам алоқа ўрнатганмиз, — дейди Д. Хайят. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тажриба, алмашиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Февраль ойининг иккинчи ярмида Республика онкология илмий маркази билан ҳамкорлигимиз доирасида мен Ўзбекистонга бормоқчиман. Жумладан, тажриба алмашиш ва онкология касаллиқларининг олдини олиш ҳамда даволаш борасидаги ўзбекистоннинг муваффақиятларини ўрганиш бўйича анжуман ўтказиш мўлжалланган.

ларини даволаш борасида Россия ва бир қатор Европа давлатлари қаторида Ўзбекистон онкологлари эришган муваффақиятлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Биз гинекология, сўт безлари хасталиги, ошқозон-ичак йўлидаги шишлар каби бошқа онкологик касалликларини даволаш йўлида барчаннинг бойлигига айланган дейишимизга имкон берадиган илгор тажриба ва натижалар борасида бир хил ёндашувга эгамиз. Бу муҳим масала бўлиб, шуларисиз ютуқлар ҳақида гапириш мумкин эмас. Ўзбекистон ва Россия етакчи онкологларининг Париж конгрессида иштирок этиши яхши аънаънага айланди. Умид қиламизки, конгресс иши давлатда врачлар даволашни яхшилашга хизмат қиладиган янги билимлар олишди, ушбу хасталиқдан даволанувчиларда эса шифо топишларига янги умидлар туғилди.

Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директорининг илмий масалалар бўйича ўринбосари, профессор Михаил Личиницер ҳозирги вақтда дунёнинг барча онкологлари саратон касаллиғига қарши курашиш борасида ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштираётганини қайд этди. Бу борада, ушбу шаҳарда бир неча йиллар илгари ташкил этилган ва бугунги кунда дунёнинг кўп қисми давлатлари томонидан имзоланган Саратон касаллиғига қарши курашиш хартияси мавжудлиги муносабати билан, Париж алоҳида ўрин тутди. Ушбу йўналишда саъй-ҳаракатларини бирлаштириш даволашнинг жаҳон андозаларини кенг татбиқ этиш, халқаро тажриба асосида таҳлиси қўйиш соҳасини яхшилаш, давлатлар ўртасида ҳукуматлар ва жамоатчилик даражасидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини ўз ичига олиши билан жуда муҳим саналади.

Мамлакатимиздаги Республика онкология илмий маркази директори, профессор С. Наврўзовнинг фикрига кўра, ўзбекистонлик олимлар ва врачларнинг турли, жумладан, онкология соҳаси бўйича ўтказилган халқаро тиббиёт форумларида иштирок этиши ўта муҳимдир. Бу каби тадбирлар Ўзбекистонда онкологик касалликларни даволашга муваффақият билан қабул қилиниши мумкин бўлган янги илмий-техникавий ютуқлар ҳақида маълумотлар олишга яхши имконият яратди.

— Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Лола Каримова томонидан Саратон касаллиғига қарши Париж хартиясининг имзоланиши мамлакатимизда онкология касалликларига таҳлиси қўйиш ва уларни даволаш усуллари бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг кенг тарқалишига асос бўлади. Хартия саратон касаллигининг оғир кўринишларини даволаш бўйича тажриба алмашиш, илк таҳлиси дастури ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, ёш мутахассисларни халқаро талаблар даражасида тайёрлаш борасидаги дастлабки шарт-шароитни яратди, — дейди С. Наврўзов. — Париж конгресси давомида олинган билим ва тажрибалар Ўзбекистоннинг онкология касаллиқларини даволаш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин олишига хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги Республика онкология илмий маркази директори, профессор С. Наврўзовнинг фикрига кўра, ўзбекистонлик олимлар ва врачларнинг турли, жумладан, онкология соҳаси бўйича ўтказилган халқаро тиббиёт форумларида иштирок этиши ўта муҳимдир. Бу каби тадбирлар Ўзбекистонда онкологик касалликларни даволашга муваффақият билан қабул қилиниши мумкин бўлган янги илмий-техникавий ютуқлар ҳақида маълумотлар олишга яхши имконият яратди.

СЎЗ — ЧЕМПИОНАТ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Титима КРИСАНАЮС хоними, мураббий (Таиланд):
— Ўзбекистонга келишим билан оқ оппоқ қорга бурканган табиат мени ўзига ром этди. Қувонч ва хайратимни таърифлашга ожизман. Тошкентнинг ҳар бир гўшаси мени ўзига маҳлиғ этди. Шаҳарнинг кенг, файзли кўчаларида сайр қилиб, диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдим.

Шангеун ЧА хоним, мураббий (Жанубий Корея):
— Гуруҳимиз халқаро мусобақада биринчи бор қатнашмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланishi учун аъло даражада шароит яратилганининг гувоҳи бўлдим. "Универсал" спорт саройи замонавийлиги ва барча қўлайликларга эгаллиги билан бизда катта таассурот қолдирди.

Чой Ках КИН, мураббий (Сингапур):
— Мамлакатимизга илк сафарим ниҳоятда мазмунли ўтмоқда. Қадимий Тошкент, ҳақиқатан ҳам, таҳсинга муносиб эканига амин бўлдим. Ўзбек халқининг гоёта меҳмондўст эканини кўрдим. Кўплаб мамлакатларга борганман, лекин бундай ширинсўз, саховатли инсонларни кам учратганман.

Уз А мухбирлари **Ноҳира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА** сўхбатлашди.

Огисо САРА, гимнастикачи (Япония):
— Ўзбекистонда бадий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган йирик халқаро мусобақада қатнашаётганимдан хурсандман. Бу ерда ёш гимнастикачилар ўз юрти шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун беллашмоқда. Бу эса уларга олимпиада йўнналишида иштирок этиш имконини беради.

Мен анчадан буён бадий гимнастика билан шуғулланиб келаман. Чемпионатга тайёргарлик жараёни давомида ўзбекистонлик гимнастикачилар орасида иқтидорли қизлар талайгина эканига амин бўлдим. Улар билан беллашиш осон бўлмастлиги аниқ. Орузим қизгин ва қизиқarli ўтаётган чемпионатда голивлар сафидан жой олишдир.

Чемпионатта ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда спорт жадал ривожланаётганига, юртингизда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Чемпионат бизга турли мамлакатлардан келган гимнастикачиларнинг бадий маҳорат ва чиқишлирини кўриш имконини бераётди. Ўзбекистонда бундай нуфузли мусобақа ташкил қилинганининг ўзи мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳнаомлигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кишини хайратга солади. Халқининг юксак маданияти, барикенглиги ва меҳмондўстлигини Кореяда ҳам юқори қадрлашди. Мамлакатимизда барча жабҳаларда, жумладан, спорт соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар бераётган самаралар Ўзбекистоннинг янада раванг топиб, халқининг фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

Юлия ЗАВРОДНЯЯ, гимнастикачи (Киргизистон):
— Бадий гимнастика билан олти ёшимдан буён шуғулланаман. Ўзбекистонга келишим билан оқ оппоқ қорга бурканган табиат мени ўзига ром этди. Қувонч ва хайратимни таърифлашга ожизман. Тошкентнинг ҳар бир гўшаси мени ўзига маҳлиғ этди. Шаҳарнинг кенг, файзли кўчаларида сайр қилиб, диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдим.

Давлатингиз раҳбари томонидан мамлакатимизда спортнинг барча турлари, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасини "Универсал" спорт саройи мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз чемпионат иштирокчилари учун яратилган шароитдан гоёта мамнуним.

Уз А мухбирлари **Ноҳира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА** сўхбатлашди.

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида баҳариланган ишларни чўқур таҳлил қилиб берди.

даги қўшма мажлисида алоҳида қайд этилиб, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Шу маънода, истиқболда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амалий кўмагини ҳалқ депутатлари маҳаллий

оқилона фойдаланиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари, Президент Фармон ва қарорлари, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалаларини муҳокама этишни режалаштирдик.

Қолаверса, ҳар бир депутат ўз

чайтири масалаларида давра сўхбати, семинарлар ўтказиш масъулияти оқланди.

Дарвоқе, Сенат тавсиясига кўра, доимий комиссияларда муҳокама этилган масалалар моҳиятини матбуотда эълон қилиш ҳам изчил йўлга қўйилаётди. Бу эса, ўз навбатида, сайловчиларнинг маҳаллий Кенгашлар, депутатлар фаолиятини янада кўпроқ хабардор бўлишини таъминлайди, албатта. Зотан, Юртбошимизнинг Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида депутатларнинг ўз сайлов округидаги фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. "Айнан ана шундай фаолият — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, — қабул қилинган қонунлар қандай ишлайётганини, ҳўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга мутож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нима қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди". Ушбу сўзларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш жараёнида комиссияни аъзолари билан бу борада янги-чак талаблар асосида ишлашга келишиб олди. Бу талаблар, энг аввало, сайловчилар фикр-мулоҳазаларини пухта ўрганиш, таҳлил этиш ва шу асосда ҳулосаларга келишдан иборат.

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Бу ишлар моҳияти, аввало, ҳуқуқий-демократик ислохотлар самарасининг жаҳон андозаларига мос келишида, юртдошларимиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг, онининг ошганлигида ва юксак маънавиятли, маърифатли эркин ҳаёт имкониятларида яққол намоён бўлаётди. Табиийки, бундай эришиллар, ўзгаришлар, энг муҳими, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар, фикрлар халқаро муносабатларда кенг қўлланилмоқда.

Бу ютуқлар замирида, албатта, миллий парламентиимизнинг ҳам ўз ўрни, аҳамияти бор. Негаки, истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини изчил ислохот этиш, жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг тегишли ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди. Айниқса, ўтган беш йил давомида парламент юқори палатаси — Сенати шаклланиши, жамиятда ўзининг мустақкам ўрнини топиши билан бир қаторда, жамиятни бошқа-

ришда муайян тажриба тўплашга ҳам улгурди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Юртбошимизнинг 2005 йили Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурган тақлифларидан кейин сиёсий ҳаётда ўзига хос фаоллик, жонбозлик юзага келди. Сенат маҳаллий Кенгашлар билан кенг қамровли, жиддий ҳамкорлик қилиши. Биргина вилоятимизда Сенат қўмиталарининг 10 дан ортиқ қўшма ёки қўшма мажлислари ўтказилди. Фуқароларимиз муурожаатларига, аиниқса, уларнинг истак-хоҳишларини ўрганиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Ва бунга вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари жалб этилдилар.

Шу билан бир қаторда, ўтган даврда парламент фаолиятини даволатимизда белгиланган ваколатларини тўла рўйбга чиқаришда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаганлиги Президентимиз томонидан парламент палаталарининг жорий йил 27 январ-

иш режасига эга. Шу асосда ҳозирда улар ўзларига бирктилган масалалар бўйича мониторинг ишларини бошлаб юборишди. Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман газеталарида, телевидение ҳамда радиода у ёки бу қонун ижроси юзасидан катъий жаҳвал асосида чиқишлар уюштирилмоқда. Доимий комиссиялардаги ҳар бир депутатга битта туманда Юртбошимизнинг Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги, Вазирилар Маҳкамасининг йил якуналарига бағишланган йиғилишидаги маърузалари ҳамда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури моҳияти, депутат обрўси, сайловчилар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ку-

лаш режасига эга. Шу асосда ҳозирда улар ўзларига бирктилган масалалар бўйича мониторинг ишларини бошлаб юборишди. Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман газеталарида, телевидение ҳамда радиода у ёки бу қонун ижроси юзасидан катъий жаҳвал асосида чиқишлар уюштирилмоқда. Доимий комиссиялардаги ҳар бир депутатга битта туманда Юртбошимизнинг Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги, Вазирилар Маҳкамасининг йил якуналарига бағишланган йиғилишидаги маърузалари ҳамда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури моҳияти, депутат обрўси, сайловчилар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ку-

Мушоҳада

лар самарадорлигини янада ошириш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятининг янада жонланишига олиб келади, уларда тажриба ва кўникмаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Очиги, бундай тажрибалар бугунги кунда доимий комиссиялар ишини оқилона ташкил этиш, долзарб муаммоларни ҳисобга олиш, сайловчилар билан мунтазам, самарали алоқа ўрнатишга жуда қўл келади.

Жорий йилда доимий комиссиямизда аҳоли репродуктив сийоматлигини мустаҳкамлаш, таъмаърақаларни замонавий, илм-маданиятга ўтказиш, кишлоқлардаги спорт иншоотларидан

Мухтасар қилиб айтганда, Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишини таъминлайди. Бундай эзгу, олижаноб мақсад эса ҳар биримизни катта масъулият билан фаолият кўрсатишга ундайди.

Фармон ТОШЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси раиси,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Самодаги фожиа

АҚШнинг Трентон штати яқинида унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради, дейилади "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига.



Гувоҳларнинг айтишича, парвоз чоғида унинг орқа қисми тўсатдан бўлиниб кетиши фожиани келтириб чиқарган. Натижада самолёт бортидаги беш кишининг барчаси ҳаётдан кўз юмган.

Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

Индонезияда zilzila

Индонезия шарқида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли zilzila содир бўлди.

Табиий офат маркази мамлакатдаги Танимбар оролларида 295 километр узокликда қайд этилган. Ҳозирча талафотлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Фаол худудлардан биридир. Бу ерда кузатиладиган ер силкинишлари одатда жуда юқори бўлади. Масалан, ўтган йилнинг куз фаслида ушбу давлатнинг Суматра оролларида 7,6 баллга тенг zilzila рўй бериб, мингдан ортик одам қурбон бўлган эди.

Оламшумул тадқиқот

Буюк британиялик олимлар шов-шувли тадқиқот натижаларини эълон қилдилар.



Гап шундаки, мутахассислар бир неча йилдан буён инсон танасидаги кексайишга сабаб бўлувчи омиллари ўрганишаётганиди. Мазкур гуруҳга раҳбарлик қилаётган Массимо Манжино қариликнинг қилувчи геини топишга муваффақ бўлишганини билдирди.

олдини олишга хизмат муваффақ бўлишганини билдирди. Олимларнинг ҳулосасига кўра, генларни алдаб бўлмайди, лекин уларга дорилар воситасида таъсир кўрсатиш мумкин.

Мазкур кашфиёт ҳозирча тадқиқотнинг илк самаралари экани айтилмоқда. Изланишлар аниқ ҳулосалар асосида яқунлангач, кексайишнинг олдини олувчи дори ишлаб чиқариш имконияти туғиларкан.

Бахт куши кўнди

Англиянинг Глостершир графлигида яшовчи эр-хотин лотереядан 56,5 млн. фунт стерлинг (88 млн. 784 минг 028 АҚШ доллари) ютиб олди.

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, "Euro Millions" номи ушбу лотерея ўйини бутун Европа қитъасида жуда машҳур. Уни Буюк Британия, Испания, Франция, Австрия, Бельгия,

Ирландия, Люксембург, Португалия ва Швейцарияда харид қилиш мумкин. Лотерея ташкилотчилари ҳозирча мукофот эгалари исмини ошкор этишмади.

Рекорд янгиланди

Швейцариялик Петер Кола сув остида узок туриш бўйича жаҳон рекордини янгилади.

У ҳеч қандай мосламасиз 19 дақиқаю 21 сония сув тубида турган. Бу билан 38 ёшли Кола аввалги рекордчи, Италия фуқароси Никола Путиньяно қайд этган вақтдан 19 сония ўзиб кетган.



Энди унинг номи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва улардан келадиган даромадларни кўпайтиришга эришилмоқда. Бунда, табиийки, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламла бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ушбу йўналишдаги ишларни ташкил қилиш ва молиялаштириш механизми шакллантирилди.

МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН

Мутахассисларнинг фикрича, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 20 фоизгача ошириш мумкин. Шу боис янги тизим зиммасига коллектор-зовурларни таъмирлаш ва тиклаш, қайта қуриш ҳамда қурилиш ишларини мунтазам олиб бориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шу тариха қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

Кучли шўрланганлиги масалаларни ҳал қилиш талаб этади. Бундай оғир шароитда, албатта, деҳқончилик тақдирини суғориш ва зах қочириб тармоқларнинг техник ишчи ҳолатига узвий боғлиқ. Гап шундаки, вилоятнинг шароитидан келиб чиқиб, 10485,3 километр узунликдаги мелиорация тармоқларининг меъёрида ишларини таъминлаш учун енгил тупроқли жойларда икки йилда бир марта, оғир тупроқли жойларда уч йилда бир марта таъмирлаш, тозалаш ишларини амалга ошириш зарурати туғилади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, воҳада бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётди. Хусусан, ўтган йили 21 лойиҳа бўйича белгиланган режалар тўлиқ бажарилди. Яъни 1687 километрдан ортик узунликдаги коллектор-зовурларда таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилиб, 25 та насос станцияси,

90 та назорат кудуғи, 183 та сув ўтиш йўли тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу юмушларга 57 та экскаватор, 15 та бульдозер ва бошқа техника воситалари жалб қилиниб, таъмирлаш ва тиклаш, қайта бунёд этиш, тозалаш иш-

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги "Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 5 та ихтисослаштирилган давлат унитар корхонаси иш бошлагани мунди аҳамият касб этмоқда. Айни чоғда машина-трактор паркни замонавий техникалар билан таъминлаш масаласи уларнинг диққат-эътиборида турибди. Фақат ўтган йилнинг ўзида "Ўзмелиомашилизинг" давлат лизинг компанияси орқали Хитойдан 5 та экскаватор, 6 та бульдозер, шунингдек, 2 та ёнгил ташиш машинаси, 4 та трайлер олиб келингани шундан далолат беради.

Шу билан бирга, худудда томчилик сугориш технологиясини жорий этиш чоралари

ҳам кўриляпти. Бугунги кунгача фермер хўжалиқларнинг 328 гектар майдонидан ана шу технологияни қўллаш тақлифи тушган бўлса, 194 гектар ерда қурилиш ишларини бажариш юзасидан шартномалар имзоланди.

Сув хўжалиги ва мелиорация ходимлари яна бир ибратли тадбирга қўл урдилар. Аниқроғи, улар ирригация-мелиорация иншоотлари, гидроқасткалар, насос станциялари худудларини, каналлар бўйларини боғ-роғларга айлантиришга киришдилар. Ўтган йили шу мақсадда 3700 тупдан ортик мевали, 14000 тупдан зиёд манзарали дархат кўчатлари ўтказилди, 4,8 гектар майдон полизсабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ўзлаштирилди. Сув хўжалиги корхоналари томонидан 1400 бош парранда, 60 бошга яқин қорамол парвартирилди, балиқ етиштириш йўлга қўйилди, 2 та жойда эса иссиқхона қурилиб, ишга туширилди.

Бугунги кунда жорий йил ҳосилига пухта замин яратиш учун қишки дала ишлари жадал олиб борилаётган. Буларнинг бари экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилиши муқаррар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ихро

ларига жами 5 миллиард 150 миллион сўм маблағ сарфланган. Шунингдек, туманлараро кўллари мувозанатлаштирувчи "Озерний" коллекторининг 1 ва 2-босқичлари, Шовот туманидаги "Давдон", "Конгли", Гурлан туманидаги "Аққум", Қўшқўпир тумани худудидаги "Фозовот-Давдон" коллекторларида мелиоратив насос станцияси қурилиши яқунлашиб, жами 5151 млн. сўмлик реконструкция ва қурилиш ишлари бажарилди. Пировардида вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги бирмунча ортди. Сугорилади-

Одамларни азал-азалдан ҳамжиҳатликка, тотувликка, осовишталликка чорлайдиган, меҳр ва оқибат маскани ҳисобланмиш маҳалла мустақиллик йилларида ўзининг тўла қиёфасини топди. Эндиликда бу маскан шу худуд аҳлининг суянчи ва таянчига айланди.

батлар уюштиряпмиз. Маҳалладаги қайвонилар, ўғил-қизларини яхши тарбиялаган она-хонларимиз ҳам ана шу тадбирларда фаол қатнашмоқда. Ҳа, маҳалланинг таъсир доираси кучли. Фаолларимиз қаттиқ турса, оёғи ердан узилган ҳар қандай одам ҳам ер чизиб қолади. "Оила — мактаб — маҳалла" ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Маҳалла йиғилишларида мактаб директорлари, мактабдаги йиғилишларда биз, маҳалла фаоллари қатнашиб, бир мақсадда режалар иш юритаёпмиз.

— Намунали милиция танч пункти республика кўрик-танловининг вилоят босқичида маҳалламиздаги 98-милиция танч пункти голиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди, — дейди Ҳазратқул Мухамедов. — Лекин бу ҳамма ишлар жойида, деган гап эмас. Ҳали амалга оширадиган тадбирларимиз талайгина. Баркамол авлод йилида ёшларимизни Ватанга меҳрли, муҳаббатли қилиб тарбиялашда маҳалланинг ибратли оилалари ҳаёти, баркамол фарзандлари турмуши мисолидан кўпроқ фойдаланишимизга тўғри келади.

МЕҲРУ ОҚИБАТ МАСКАНИ

Одамларни азал-азалдан ҳамжиҳатликка, тотувликка, осовишталликка чорлайдиган, меҳр ва оқибат маскани ҳисобланмиш маҳалла мустақиллик йилларида ўзининг тўла қиёфасини топди. Эндиликда бу маскан шу худуд аҳлининг суянчи ва таянчига айланди.



— Ўтган йили шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалла гузарга милиция танч пункти биносини қуриб, ишга туширдик, — дейди Янгиер шаҳридаги "Шодлик" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳазратқул Мухамедов. — Бу ерда маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбон, милиция танч пунктида профилактика инспектори, вояга етмаган ёшлар билан ишлайдиган инспектор жойлашди. Гузар атрофида мини-футбол ўйингоҳи, баскетбол майдончаси қурилди. Пастки қават эса спорт анжомлари билан жиҳозланиб, турли спорт секциялари иш бошлади.

— Эл осовишталлиги, юрт тинчлигини, дан ортик бойлик йўқ, — дейди профилактика инспектори, капитан Фарход Ҳамидов. — Шунинг учун маҳалладаги ҳар бир фуқаро ҳаёти, қувонч-ташвишлари диққат-эътиборимизда. Аиниким, ёшларга эътиборимиз бўлакча. Уларнинг аксариятини спорт секцияларига жалб қилганмиз. Фаолиятимизда жалозони ўтаб келганларни иш билан таъминлаш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Токи улар яна жиноят кўчасига қириб кетмасинлар. Зеро, бундай ҳодисалар учраб туради. Мисол учун, Н.П. жазони ўтаб келгач, маҳаллада бир ой яорди, икки ой

ёрди, қарасак, ичяапти. Яна жиноятга қўл уриши мумкин. У билан обдан суҳбатлашдик, иш тополмаётган экан. Бир тадбиркор билан гаплашиб, хусусий корхонага ишга киритиб қўйдик. Мана, ҳозир оиласи билан бинойидек яшаётти, турмуши ҳам ёмон эмас.

— Айрим ҳолларда ёш оилаларимиз арзимас сабабларга кўра, "қўйдиқиди"га боришади, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Хосият Жуманова. — Ўтган йили ажрашмоқчи бўлган ана шундай 11 оилани яраштириб қўйдик. Бу борада яраштирув комиссиямиз самарали ишлади. Ахир ажрашиш оқибатида норасида гўдаклар тирик етим бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, аёлларимиз билан сабрқаноатли бўлиш, тўю маъракаларни камчиқим ўтказиш борасида суҳ-

Маҳалла

ёмон эмас. — Айрим ҳолларда ёш оилаларимиз арзимас сабабларга кўра, "қўйдиқиди"га боришади, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Хосият Жуманова. — Ўтган йили ажрашмоқчи бўлган ана шундай 11 оилани яраштириб қўйдик. Бу борада яраштирув комиссиямиз самарали ишлади. Ахир ажрашиш оқибатида норасида гўдаклар тирик етим бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, аёлларимиз билан сабрқаноатли бўлиш, тўю маъракаларни камчиқим ўтказиш борасида суҳ-

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан 2008 йил 25 декабрдаги ЖКС-1-481/2008-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Парвина қурувчи ПВС» МЧЖнинг қуйидаги мол-мулкларни такроран қўйилмоқда:

- Самарқанд шаҳри, Спитамен шохўчаси, 270-ўйда жойлашган, «Сино» ОАЖда ўрнатилган ишлаб чиқариш линиялари ва ускуналари. Бошланғич баҳоси — 4 403 410 582 сўм.
• Самарқанд шаҳри, Геологлар кўрғонида жойлашган «Парвина қурувчи ПВС» МЧЖ биносидagi ишлаб чиқариш линиялари ва ускуналари. Бошланғич баҳоси — 976 116 732 сўм.

Мулклар билан Суд департаменти Самарқанд вилояти худудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоси 2010 йил 5 март кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! 2010 йил 5 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такроран аукцион савдоси 2010 йил 23 март кўни бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефони, ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчаси билан тузилдиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452123, МФО: 00282, СТИР: 200933850.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.

Диққат! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.

www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЭК ФИЛЬТРЛАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мейваси, Ц.дахаси, 6-уй. Мўлжал — «Шухрат» дўкони жавобгарлик чорраҳа.


Иш берувчилар диққатига! Ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш — ижтимоий ҳимоя воситаси.

Logos for insurance companies: O'ZBEKINVEST, O'ZAGROSUG'URTA, KAFOLAT, Alliance Insurance, ALSKOM, ASIA insurance, ISHONCH, KAPITAL SUG'URTA, Standard Insurance, O'ZBEKINVEST HAYOT, UNIVERSAL SUG'URTA.

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.



ганда, қишлоқ аҳолиси ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар мужассамлашган обод қишлоқларнинг барпо этилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Бунёдкорлик соҳасида ёрқин саҳифа ҳисобланган яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишида "Қишлоқ қурилиш инвест" компаниямиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда режага киритилган дастлабки 42 та мавзедаги 847 та уй-жой қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ҳадемай, улар ўз эгаларига топширилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қурилиш ишларига пудратчи ташкилотлар танлов асосида жалб этилди. Шунингдек, улар учун зарур бўлган қурилишбоп материалларнинг "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси

ни ҳам кескин ошириши тайин. Шу боис компаниямиз томонидан жорий йилда республикамизнинг турли ҳудудларида 12 та гишт заводи ишга туширилади. Уларнинг ҳар бири йилига 30 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Аслида, юртимизда қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаштириш масаласига истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқатта эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг самарасини барчамиз чуқур ҳис этиб турибмиз. Яъни бугун юртимизнинг ҳар бир гўшаси, ҳатто, энг олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам барпо этилаётган замонавий, қулай тураржойлар, мактаб, коллежлар, маданият ва спортконалари кўзи қувонтиради. Қолаверса, юрдошларимиз ҳам ўз уй-жойларини замонавий услубда қуришга интиляптилар.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир масалага қаратсак. Илгари қишлоқларда уй-жойларни лойиҳалаштиришда ҳудудларнинг табиий иқлим шароитлари ҳисобга олинмаган. Энг ачирлики, қурилиш материалларининг етишмаслиги оқибатида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш чўзилиб кетар, ҳар ким ўз ҳолича иш қириши эса қишлоқларнинг қиёфасига салбий таъсир қўрсатмасдан қолмасди, албатта.

Инсон умри давомида ҳамиша ўзидан "Мен ким эдим, нимага эришим, бугун қандай инсонман?" дея сўраши, ушбу ота-боболаримиздан қолган турмуш ҳикматининг маънавию ахлоқий лозими. Шунда қалб ўзининг оламини очди, ундаги ҳис-туйғулар, савол-жавоблар ечимини топади. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг ҳаммамизга таниш машҳур рубоийси бор.

ЭЪЗОЗ КЎРДИМ, ҚАДР ТОПДИМ

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш, Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Қаранг, ота-боболаримизнинг юрагини эзган армонига нақадар ўхшаш бу сатрлар. Ҳақиқатан ҳам, гурбатда эдик, аҳолимиз булбул ахволидек эди.

Ҳиссиётларга берилмай, лўнда қилиб, болалик хотираларимдан бир-икки лавҳа келтирсам. Мен лой кўчалардан қатнаб, мактабда ўқиганман.

хоналарининг замонавий жиҳозлар билан таъминланганини, қулай ва шинам спорт залларини майдончаларини кўриб, қувончингиз бир олам бўлади. Айниқса, ораста кийинган, бири-биридан ширин, лабидан табассум аримаган болажонларимизга қараб, ўзингиз ҳам қайтадан бола бўлингиз, ҳур ва саодатли замонамизнинг эрқа фарзандлари сафига қўшилгингиз келади.

Чин юракдан айтилайки. Азиз фарзандларимизга яратиб берилётган шарт-шароит, ўқитувчига кўрсатилаётган эҳтиром юксак мақом касб этди! Бугун шуқрона даври, бебаҳо давр. Мен давлатимизнинг бир фуқароси сифатида шу заминда истиқомат қилаётганимдан миннатдорман. Қадрим бандан, хурматим, эъзозим бор. Келажагимиз ворисларига сабоқ бераётганимдан чексиз фахр ва ифтихор туяман.

Дил сўзи

Ҳар йили мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрами катта тантана билан нишонланади. Ўтган йили ана шу касбий байрам куларининг шукӯхи хотирамангиз мангуга муҳрабди, десам, мулобага бўлмас. Сабаби, мен бир гуруҳ ҳамкасбларим қаторида шарафлининг, Президентимизнинг Фармонида бинаоан "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга мушарраф бўлдим. Шогирдларим, оила аъзоларим, ҳамкасбларим мени қутлашар экан, қувончдан, эъзоздан кўзларимга севинч ёшлари куйилди.

Биз саховатли, муруватли, эътиборли, обод ва овоз замоннинг бахти қулган инсонларимиз. Бугун ким эдик, ким бўлдик, деган саволга жавобим шу: саодатманд бўлдик, тақдир ёрлақганимиз кўрдик. Маърифат Фидойиларни сафида навихош кўнгулларга эъзулги уругини қадшдек шарафли жабҳада меҳнат қилиб, битмас-туганмас фойзу барака, хушнудлик топдик.

Мопар ҲАЙДАРОВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.
Сурхондарё вилояти

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Замонавий қишлоқ уйи, ҳовлиси қандай бўлиши керак? Ушбу саволга ўтган йили бевосита Президентимиз раҳнамолигида бошланган ва бугунги кунга келиб жадал давом эттирилаётган қишлоқ аҳолиси учун замонавий тураржойлар қурилиши жараёнидан тўлиқ жавоб олишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бу жараён қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноят асосида тубдан ўзгартириш ҳамда янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасидаги ишларни нафақат бошлаб берди, балки янги босқичга кўтариб юборди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Табиийки, қишлоқ жойларда бундай ижобий ўзгаришларни рўйбга чиқариш учун, аввало, унинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Яъни ўтган йилнинг ўзида Президентимиз томонидан бу борада туркум қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, ўтган йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда ташкил этилган, кейинчалик барча вилоятларда ҳам юксак савияда ўтказилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш мате-

риалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси ҳам айни шу ҳужжатлар ижросини таъминлашга хизмат қилувчи му-

Ислоҳот

ҳим тадбир бўлди. Миллий меъморчилик ананаларимизни муҳассамлаштирган лойиҳалар ҳамда қурилиш санати ютуқлари намойишига айланган мазкур кўргазма жараёни ташкилий жиҳатдан амалиётга олиб чиқди. Бунда нафақат коттеждар, балки кенг ва равоён ўйлар, турли ижтимоий иншоотлар, коммуникация тизимлари, лўнда қилиб айт-

ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси тасарруфидаги корхоналар томонидан узлуқсиз этиказиб берилётгани айни муддао бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, 2010 йилда қурилиш ишлари кўламини янада ортади. Гап шундаки, Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Бу ўтган йили айни шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўрт баробар кўпдир. Айни вақтда жорий йилда республикамизнинг 159 та қишлоқ туманида 6 минг 800 та тураржой қурилиши режалаштириляпти.

Бу, ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талаб-

Бекмурод ДУШАНОВ,
«Қишлоқ қурилиш инвест» иختисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи.

Адвокатура: ҲУҚУҚИЙ МАЖБУРИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти директори Ш. Файзиёв, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси раиси Т. Сайидов, адлия вазирининг ўринбосари Е. Каныязов, Олий суд раисининг ўринбосари О. Исмоилов, Бош прокурор ўринбосари А. Шарифуддинов, ички ишлар вазирининг ўринбосари С. Нурматов ва бошқалар қулчи мустақил адвокатура тизими — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидан бири эканини алоҳида таъкидладилар. Соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар тизимнинг янгилигини таъминлаб, соҳа ходимларининг касб этикаси қондалари рияз этиштини назорат қилиш механизминини мустаҳкамладилар.

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти томонидан тайёрланган "Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" номли илмий-амалий қўлланманинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Қаримовнинг суд-ҳуқуқ ислохотларига оид ғоя ва қарашлари, "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида шарҳлар, адвокатура фаолиятига оид қонунларда қўлланган асосий тушунчаларнинг тавсифи, адвокатура фаолиятини тартибга солишчи қонун ҳужжатлари ва улардан кўчирмалар, шунингдек, процессуал ҳужжатларнинг намуналари ўрин олган.

Конференция ақунда иштирокчилар томонидан адвокатура тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатлари қанда-талабларининг ижросини таъминлаш, бу соҳа фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

КУБОК — БУХОРОЛИКЛАРДА

Енгил атлетика бўйича Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоғи баҳслари бухоролик спортчилар учун муваффақиятли яқун топди.

Бу нуфузли турнирда вилоят шарафини ҳимоя қилган Бухоро шаҳридаги 7-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар

олимпиада заҳиралари спорт мактаби ўш енгил атлетикачилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритиб, кубок соҳиби бўлишди. Ёш, иқтидорли мураббий Шавкат Шариповнинг шогирдлари — Кристина Кондратьева, Нигина Шарипова ва Алек-

сандр Саидов айни дамда мамлакат терма жамоаси аъзолари сифатида халқаро мусобақаларга ҳозирлик қўрмоқдалар.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» музбири.

МУҲАББАТНИНГ ҲУШЁРЛИГИ

туфайли қинғир ишнинг олди олинди

Афсуски, шунга қарамай, пул учун қишларни "замонавий қулик"ка солишга интиляётган кимсалар ҳамда улар қурган тузоққа тушиб қолаётган кишилар йўқ эмас. Тўғри, ҳозирги кунда юрдошларимиз анча хушёр бўлиб қолди. Бир пайтлардагидек ҳар кимса орқасидан қўр-қўрона эргашиб кетаётганлари йўқ. Аммо бу бир лаҳзага бўлсин, хушёрликни йўқотишимизга асос бўла олмайдди. Негаки, одамлар хушёр торгани сари жиноятчилар ҳам "пишиқ" бўлиб, "иш услуби"ни такомиллаштириб бормоқда. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой тумани судида қўрилган жиноий иш тафсилотлари ҳам бунга тасдиқлаб турибди.

Бухоролик Ш. Аминова БААнинг Дубай шаҳрида истиқомат қилаётган Насиба исмли аёл билан қизларни хорижа олиб чиқиб, улардан шахвоний мақсадда фойдаланиш ҳақида олдиндан келишиб олади. Мақсадини амалга ошириш учун таниган-билган қизларнинг қўнглига қўл солади, уларни ёлгон ваъдалар билан аврайдди. Ваъдалар жўн ва одатий: "ресторанда ишлайсизлар, мўмайгина пул топиб, тез орада бойиб кетасизлар..."

— Пойтахтимиздаги интернет клублардан бирида ишлайман, — дейди Диффуза. — Ишим, топширушим яқши. Ишга вақтида келаман, вақтида кетаман. Ана шундай одатий кунларнинг бирида дўғонам Мухайё Шохсанам исмли

аёл қўнғир қилиб, хорижда ишга тақлиф қилганлигини айтди қолди. Дубайдаги ресторандардан бирида ишлар эканимиз. Кўп мулоҳаза қилмасдан 4 нафар дўғонам билан ушбу тақлифга розилик бердик...

Ниҳоят, жўнайидиган кун этиб келди. Тошкент шаҳридаги "Қўйлик" бозорига бордик. Бизни Шохсанам қутиб олди. Ундан чип-тани сўрадик. У ўзини галати тутиб, чипталар Қирғизистонда, синглиси Насибада эканини, аввал Бишкек, сўнг у ердан Дубайга учимишимизни айтди. Унинг гапидан қўнглимга шубҳа оралади. Агар алдоятган бўлса-чи, унда нима бўлади? Хорижага боргач, арасатда қолиб, Ватанимизга қайтиш йўлини тополмай қолса-чи?! Аёллар билан гаплашганимизни ҳаёлим ўзимда эмас...

— Одамнинг оласи ичида бўлар экан, — дейди Мухаббат. — Шохсанам Аминова билан Бухорода танишганим. У ўшанда Дубайда қизининг кафеси борлигини, у ерда ишлаш учун бир нечта қиз кераклигини айтганди. Анча-мунча ҳаётий тажрибам бор. Шунга қарамай, унинг гапига лаққа тушибман. Унинг йўл харажати ўз зиммасига олишини эшитиб, бунчи хотамтойликка йўлганимчи?! Шу сабаб бу олижаноблик ҳақида чуқур ўйлаб кўрмасдан ўзим ва Зу-байда исмли дўғонамнинг паспортини унга тутқаздим. 10 кундан сўнг у билан яна учрашдим ва

Муҳаббатнинг хушёрлиги, мили-

ция ходимларининг сергаклиги туфайли ушбу қинғир иш амалга ошмади. Яқшиям, амалга ошмади. Йўқса, бу қизларнинг қадри топ-талди, гурури, ор-номуси оёқости бўлиши мумкин эди...

Маълумотларга қўра, ҳозирда одам савдосидан дунё бўйича йилига 2,7 миллион нафар киши азият чекмоқда. Бу ҳар биримизни мулоҳаза юритишга, хушёр ва оғоҳ бўлишга ундаши керакмасми?! Жиноятга қўл урган аёл бу ҳақда ўйламадимми? Ахир Шохсанам ҳам она эди-ку, у не-не умидлар билан уч нафар фарзандни дунёга келтирган. Шундай экан, қулликча — ифлос ишлар оташга ташламоқчи бўлган бу қизлар ўрнига ўз фарзандини қўйиб қўрмадиммикин?! Халқимизнинг пул, мол-дунё, наф қутқуси кишини турли қўнғилар солади, қўрар қўнғиларни қўр қилади, дегани рост экан-ди. Йўқса, она бўла туриб, гўлдай қизларни жирикчан иш гирдобига ташламоқчи бўлармики?!

"Сўнги пушаймон — ўзингга душман". Энди афсус-надоматдан асло фойда йўқ. Қонун устувор мамлакатимизда ушбу тамойил таъминланди. Ш. Аминова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди ҳамда қонуний жазосини олди.

Шундай қилиб, вақтида ушбу жиноятнинг олди олинди, қайсидир хондоннинг бекаси ёки эркатойи бўлган қизлар фалокатдан омон қолди. Албатта, ушбу воқеа ҳар биримизни ибрат олишга ундаши, табиий. Чунки биз бири кўриб фикр, бири кўриб шўрк қилишга одатланганмиз. Қолаверса, шу баҳонада хушёрлик давр тақозоси эканлигини яна бир қарра эслатмоқчи эдик, холос. Зеро, халқимизнинг "Бир балоси бўлмас, шўдғорда қўйруқ на қилур", деган ҳикматини ёдда тутган киши бу каби мушкул вазиятларга тушиб қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 5-10 даража оёқости бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик қутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 7-12 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёнгарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 5-10 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёнгарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 7-12 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 9-11 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

"Ўзбекгидроэнергоқурилиш" ОАЖ жамоаси "Автотранспорт-энергоқурилиш" шўба корхонасининг "ТаллинмаржонИЭС-қурилиш" филиали автотранспорт бўлимининг бошлиғи Эргаш Нигматовга отаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси **НИГМАТ БОБОНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университетини жамоаси Менежмент кафедраси мудири, профессор Марат Турсунходжаевга **ТАРС** **ТУЙУН ТУРСУНХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Педагогика ва тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Шаҳноза Якубовага падари бузруквор **ИКРОМ ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббий институти жамоаси Патологик физиология, психология, энтопология ва эмбриология кафедраси меҳнат фахрийси **Гулаҳор ая МАГАМЕТОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Араб тили кафедраси ўқитувчиси Шохид Шокоровага падари бузруквор **ЮСУФ ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буғурта Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А-2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятта келган қўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.35 Топширилди — 23.10 1 2 3 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойкулов.
Мусаҳҳах — С. Исмолов.